



Тангригонинг этагидаги кўкаламзор яйловда Эрхон чол эллик-ларни коралаб колган Ойтўлди отлиг аёли билан факирона хаёт кечирардилар. Улар бир вақтлар тик-лаб олган кўримсизгина гўшадан анча нарида хушхўр мевалару тур-фа хайвонотга мўл ўрмон бошла-нарди. У икки қарияни беминнат боқарди. Кўк Тангрининг фарзанди — Куёш ўрмон тепасида кў-тарилган паллада Эрхон чол кора пўлатдан куйилган кескир болтаси-ни белига кистириб, кўйган тузокларини кўздан кечириш учун жў-нар, орадан хийла вақт ўтгач, ел-касида бир бог курук карагай ўтин-нию типирчилаётган куённими, кирговулни кўтариб, мамнун киё-фада қайтиб келарди. Уларни пишириш Ойтўлдининг зиммасида эди. Ўчokka олов ёкиб, эри сўйиб-тозалаб берган этни оловга товлаган пайтда Эрхон ўт-ўлан устига ёнбошлаганча аёлининг харакатла-рини кузатар, шамолларда котган чандикли, корамагиз юзида Ойтўл-дига жуда ёкадиган дагал бир та-бассум жилва килиб турарди.

Бир махаллар кудратли бўлган Ядгунинг кавми ҳам шу ерларда умргузаронлик киларди. Кейинча-лик улар пастрокка — водийга кўчишди, сонсиз-саноксиз музаффар юришлар натижасида кўпайиб кетган эчкию кўйлар, сигиру отларни бокиш учун бу яйловча торлик килиб колди. Эрхон ва Ойтўлдининг ўлжалари у қадар кўп эмасди. Яна, бунинг устига, йигирма йилча му-каддам Эрхон чол кўп уриниб ёгоч, лой ва кигиздан чоккина бир кўналга тиклаган, умрларининг энг лаззатли дамлари шу кўналгада кечганди. Энди уни ташлаб кетиб бўлармиди?! Кишнинг — Кўк Тангри иноятининг узун кечаларидаги, лангиллаб олов ёнаётган уйда кечган эхтиросли онлар хали ҳам Ойтўлдининг ёдига тушса, юрагини нечуклар жизиллатиб кўяди. Кондошлар, айникса, Ядгу уларни кўп кистади, аммо ўжар қариялар кетишни исташмади. «Сен ўзинг ке-тавер Ядгухон, — дейишди улар. — Бизга шу ер кулай. Водийга — уч-тўрт йигоч масофага етиб бороламизми-йўкми? Бунинг устига, сен куриб берадиган кўналгада яшай олишимиз, кўникиб ке-тишимиз ҳам даргумон. Ахир, бу ерларга жуда ўрганиб колдик-да! Сен бемалол боравер, хотиринг жам бўлсин. Бир кунимўзни кўрармиз, вақти келиб, Кўк Тангрининг олдига кетсак, унинг кахрини юм-шатиш учун бирор жонлик атаб, бизни хотирларсан. Шунгайм жуда хурсандмиз, кўнглимизни роса кўтардинг, Ядгухон...» Ўшанда Ядгухон ҳеч кўнмаганди, аммо бари бир кетди. Сабаби, у айникса, хан-зуларга қарши юришда жуда кўп мол-дунё орттирганди, шуларни кўзи киймади. Мана хозир водий-да, бепоён яйловларда кўй-эчки-ларини ёйиб юбориб, хун ўглон-ларини жақгга тайёрлаб юрибди.

Қабила пастга кўчгач, теварак хувиллаб колди. Албатта, қабиладошлари, айникса, уруглари Эрхон чол оиласининг қолишга қарор қилишганини эшитиб жуда хафа бў-лишса-да, ўзлари кўчиб кетишди. Анави чоккина ялангликда бир вақтлар музаффар жангчиларнинг ўгиллари тиг уриш ва найза отиш санъатини, отда жанг қилишни ўрганишарди. Ядгухон хар доим «Жангчи эт ейди, бола тугдиради, жанг қилади — эрнинг бундан бошқа қилар иши йўк, колган барча юмушлар — хотинларники!»

дега-ни-Деган эди. Бирок, ўзининг бола-лари бундай бўлишмади. Улар нимжону сояпарвар, килич чопиш-дан ҳам кўра уйда ўтириб овкат пиширишга, хар хил майда-чуйда

ўйинлар билан вақт ўтказишга иш-кибозрок чиқишди. Эрхон чол уларни ёмон кўрар ва шу сабаб-дан қачон кўрса бўралаб сўқарди. Унинг ўзи бир вақтлар довруги Тангри тоғни тутган жангчи бўлган ва бунинг исботи сифатида уйда унча-мунча йигит ердан узиб ололмайдиган олти тишли, зилзамбил чўқмори турарди. Кабила пастга кўчгач, Эрхон чол хатто Ядгунинг ўша нозик-нихол ўгилларини ҳам кўмсаб колди.

Бора-бора хаммаси ўз изига тушди. Энди уларга кишиларнинг кетгани кайтанга яхши бўлгандек туюлабошлади. Тан картайиб, жоннинг Кўк Тангри олдига кетар мудт дат яқинлашар, уларнинг кўнгиллари тинчлик-осойишталик истар эди. Уларни Ядгунон йўқлаб турар ва хар йўқлаганида бир дунё силовсин, айик, яна алланималарнинг гўштини келтириб берарди. Чолу кампир баъзан бунчалик кўп этни каёкка кўйишни ҳам билмай коли-шарди.

Ойтўлди Эрхондан нақ ўттиз ёшга кичик эди. У вақтлар Эрхон ба-куват, бўйни буканикидек йўгон, забардаст бир жангчи эди-да; Ойтўлдининг ҳам унга дарров кўнгли султ кетган, шунака келишган, забардаст эркакка хотин бўлишни орзу қилганди. Ўшанда киз ўн ол-тида эдимиз? Ўн олтида бўлсаям келбати мана ман деган йигитлар-никидан колишмас, куч-куватга тў-либ-тошганди: чоғрок кўзиларни бир кўли билан бемалол кўтарат верарди. Гавдасига яраша огиргина ҳам эди: отасининг отига минганида, шўрликнинг бели бир майишиб кетарди. Илк танишган кезларида Эрхон уни эгарга ўнга-риб олиб, ўрмон томонга қараб от солди, шунда киз ўғлоннинг нака-дар кучлилигини хис этди. «Уудди хасдай учириб юборди-я! дея хайратланди ўшанда киз ички бир мамнуният билан. — Довруги бутун Тангри тоғни тутган баходир... Мен шунинг хотини бўламан...»

Хозир Эрхонга карасангиз кул-гингиз кистайди: қадди камалақдай эгилган, юзи Тангри тоғ ирмоқларидай эгри-бугри ажинларга тўла, кўли тинмай қалтирайди. Фақат кўзларигина ўша-ўша, ўткирлигича қолган, қаттиқ эди. Эрхон хақиқий жангчи эди—хотинини ҳам қандайдир кўпол эркалар, баъзан кўлига ҳам эрк берар, аммо буларнинг бари Ойтўлдига қайтага хуш ёқарди. Хақиқий эркак шундай бўлиши керак, деб хисобларди у, эр кўрган баъзи хотинларга ўхшаб хадеб суюлаверса, от мингандан, ёй кўтаргандан кўра эчки соғгани афзал эди.

Эндиликда Эрхон қилиши керак бўлган юмушларни ҳам Ойтўлди бажаради: ўрмондан ўтин орқалаб келади, жонлик сўяди, бир қисмини Кўк Тангри учун қолдириб, терисини шилади, оловда пи-ширади, отга қарайди... Отни парваришлаш ва жонлик сўйиш аёлларнинг иши эмас, бирок Эрхон ярамагандан кейин на илож? Кекса жангчининг кескин тўқнашувларда орттирган жароҳатлари бугунга келиб уни нотавон қилиб қўйди. У туни билан мижду кокмайди, ихраб-сихраб, чўқмор урган ханзуни лаънатлаб чиқади. Ойтўлди унинг учун хамма ишга тайёр. Чун-ки эри қучи борида барча қилар йшини қилиб бўлган. Фақат ўгилларининг тоғда халок бўлгани чакки бўлди-да. Кўк Тангри улар ус-тига қор қўчқиси юборди. Тангри шуни раво қўрибдимиз, унга қарши бориб бўлмайди. Тез қунда улар ҳам Кўк Тангрининг хузурида, Тангри тоғ чўққиларидаги мангу осойишталик масканида ўгиллари билан учрашадилар. Шу сабаб, хадеб ох чекаверишнинг фойдаси йўқ.

Тангри тоғ этагини панох тутган Қудратли қабиланинг икки кекса вақили ана шу тарзда, сокин-осойишта умргузаронлик қилар эди.

Бир куни фалокат рўй берди.

Куёш Кўк Тангри ётоғи томон ёнбошлаганда ёмгир ёғди. Унинг саховатли сувлари дарахтзорлару яйловларни чунон яшнатди. Бир соатлар ўтиб-ўтмай, ёгингарчилик тўхтади. Теварак-атроф селгиб, хаво мусаффолашди.

Эрхон йўлбарстери пўстакни ташкарига— пичан устига ёйишни буюриб, ўзи елкасини сийпалаган-ча ихраб, оти ёнида турарди. Бун-дан ўн йилча мукаддам юз берган сўкишда бир сўйлок ханзу унинг бошини мўлжаллаб чўкмор отганди, у чап бериб колди, аммо анча ёши кайтгани сабаб ўз вак-тида отини буриб ололмади— кескир тишли чўкмор унинг елка-сига келиб урилди. Мана, асорати энди билинаётир. Хозир кекса жангчининг томирларида кон секин-аста окар, оёк-кўлининг жаро-хатланган ерлари хам симиллаб огрирди. Эрхон шу кеч аиик ёғи суришни ният килди ва бу нияти-ни пўстакни кўтариб чикаётган Ойтўлдига айтиб кўйиш максадида ёнига ўгирилди, ўгирилдию Тангри-тоғнинг сўл ёнбошидан шўёкка ка-раб елиб келаётган бир тўда отликларни кўриб хайратдан эси огиб колаёзди.

— Ойтўлди! — деб бакирди у беихтиёр, хали хам елкасини чангаллаганча, — Ойтўлди, анавиларга кара-чи? Танияпсанми кимлар экан?

Ойтўлди пўстакни ерга ташлаб, кўлини пешонасига соябон килиб ўша ёкка узок термулди-да:

— Хечам ажратолмаяпман-а! Аммо Ядгунинг йигитлари эмас, уларнинг туги бўри каллалик-ку. Ханзулар бўлмасин тагин, —деди хавотир билан.

Кекса жангчининг томирларида кон жўшди. У таассуф билан: «Эссиз, Ядгуга хабар беришнинг иложи йўк-да», деди ўзига ўзи. Агар келаётганлар ростдан хам ханзулар кўшини бўлиб никса,- у холда чол-кампирининг умри поёни-га етибди деяверинг. Бу ёвуз кавминг кўлидан хар иш келади. Эр-хон Ойтўлдига караб:

— Тўкмокни олиб чик! — деб буюрди.

— Кўтаролмайсан! —ачиниш билан жавоб килди Ойтўлди.— Кўй, ўзингни бекорга уринтирма! Кўк Тангри истаса, эхтимол омон колармиз. Йўкса, ўгилларимизнинг ёнига жўнаймиз. Икковимизнинг хам ёшимиз бир жойга борган бўл-са, яшашнинг нима кизиги бор?..

— Опчик дедим!—ўшқирди жангчи. У ёғийни хеч қачон қурол-сиз кутиб олмаган эди, бундай бў-лишини хаёлига хам келтиролмаст ди. Ойтўлди чор-ночор эрининг ул-кан гурзисини бир амаллаб олиб чикди. Жангчи уни зўрга кўтар-ди, огирлигидан юзи тиришиб кет-ди, аммо яна тезда ўзини кўлга олди, ёвнинг етиб келишини кута бошлади. Энди унинг учун бу чоккина яйлов жанг майдонига айланганди. Ёғий яқинлашиб келар, факат сў-кишга чорловчи бурги садолари етишмасди, холос.

Нихоят, улар етиб келишди. Хан-зуларнинг кийик кўзларида газаб ўти чакнарди. Улар дарров талаш-га тушиб, кўй-кўзиларни отларига ўнгаришди, биттаси эса Эрхоннинг хозирда анча картайиб, кучдан колган, не-не жангу жадаллардан эгасини омон олиб чиккан отини етаклашга тушди, уч-тўрттаси эса кулба ичига кириб кетди. Ойтўл-ди чолининг ёнида туриб, бу беа-дабгарчиликларни кузатарди. У ханзуларни хеч қачон кўрмаганди. Тўгри, бирда Ядгухон ўнтача кўли боглик, афти-башараси кон банди-ларни уриб-сўкиб хайдаб келганди. Аммо улар ўша пайтда бирам но-чор, эзгин кўринган эдики, хатто Ойтўлдининг уларга раҳми келиб кетганди. Хозир эса буларнинг ва-жохатини кўриб ўтақаси ёрилаёз-ди. Улар тинмай бакиришади, узун сочларини селкиллашиб, у ёқдан-буёкка юришади... Улардан бири, юзида узун чандиги бори, отини Эрхон томон бурди-да, унга синов-чан тикилганча, сўйлок тишларини кўрсатиб хайкирди:

— А-ха, бу Эрхон-ку! Мана ўша енгилмас Эрхон! Ахволига каранг-лар, калтираб туришини кўринг-лар!...

— Эрхон? Нахотки Эрхон бўл-са?! — колганлари хам шоша-пиша шуюкка ёпирилишди. — Ия, кани унинг аввалги важохати? Кани унинг ўлим келтирувчи гурзиси? Нега у гурзисини кўтармаяпти, баримиз-ни кириб ташламаяпти? Ахир, юзта ханзу аскарлари Эрхон учун чўт эмас-ди-ку?

Ойтўлдй хотиржам турар, факат эрининг газаби кўзгашидангина чўчирди. Аммо ундай бўлмади.

— Эрхон! — деб бўкирди сўйлок тишли кари ханзу.—Менинг неча-неча уругимни кулини кўкка совурдинг-а, кари каламуш. Мана, ўзининг хам кунинг битди!

Шундай деб у энгашди-да, Эр-хоннинг нак томогини мўлжаллаб найза санчди. Кекса жангчи шу захоти ихраб, ерга икки букланиб йикилиб тушди, томогидан иссик кон ховур таратиб, тизиллаб ока бошлади. Ханзулар кийчув кўтардилар.

— Хотинга тегманг! — бакирди кари брскинчи шерикларига. —' Ун-га тегманг. Хотинни ўлдириш хан-зунинг иши эмас. Кани, кетдик Ядгунинг устига!..

Ханзулар кий-чув кўтарганча жўнаб кетишди. Куёш Тангри тоғ ор-тига кондай кизариб, баайни ярадор жангчи мисоли ёнбошлади. Энди Эрхоннинг кони окиб ту-гаган, қорайиб, кота бошлаган, жангчи хаёт билан видолашган эди.

---

Тунда, яйловдан унча узок бўл-маган сайхонликда боскинчилар ва Ядгу йигитлари ўртасида мисли кўрилмаган жанг бўлди. Теварак-атрофни ўлаётганларнинг ва ўлдираётганларнинг бакириги тутиб кетди. Унинг сурони хатто Тангри тоғни хам титратиб юборди.

Ойтўлди туни билан мишжа қокмай чикди. Мабодо ханзулар қайтиб келгудай бўлса, биринчи кир-ганининг бошига тушириш максидида эри жангда ишлатадиган болтани пойгакка суяб кўйди.

Тонгга якин жанг тугади. Отлар дупури ва кийкириклар Тангри тоғнинг сўл ёнбагриддан узоклашиб кетганидан Ойтўлди боскинчиларнинг енгилганини, шавкатли Ядгунинг ботирлари уларни қувиб-солганини пайқади. Атрофга мудхиш сукунат чўкди. Тинмай чугурлашадиган қушлар хам бу сафар жим бўлиб қолгандилар.

Аёл ташқарига чикди.

Хаводан кон ва тер иси анкир, пастда, бир йигоч масофада ўликларнинг қалашиб ётгани кўриниб турарди. Ойтўлди уйига кириб ўткир тиг олиб чикди ва жанг майдонига қараб йўл солди. Эрининг тагига етган сўйлок тишли ханзунинг топмокчи ва бошини танасидан жудр қилмокчи эди. Ана шундай қилса, ханзунинг рухи мангу тен-тираб, бошини излаб юради, бу ҳолати хатто авлодларига хам ўтади. Интикомнинг ўзига хос усули эди бу.

Жанг майдонига етиб келгунча у анча қарчади, аммо биринчи ханзунинг ўлигини яқиндан кўриши билан жисмида янги қуч-қувват пайдо бўлди ва мурдани ағдариб қаради: найза қарбидан унинг бир бети ўпирилган, оппок суяги очилиб, қийқликка мойил кўзлари қосасидан қикиб кетгудай бўлиб олайганди. Ойтўлди уни танимади, шу сабаб тегмасдан ўтиб кетаверди.

Ўликларни бир-бир кўздан кечи-риб: «Э, бадфеъл махлуқлар, — дея ҳаёлидан ўтказиб борарди бу жасур аёл. — Нималарни кўзладингизу нималарга эришдингиз? Қелдингиз, топганингиз ўлим бўлди... Ақалли битта хам тирик жон қолмабди. Ядгунинг қудратини

билмасмидингиз, кунингиз битганига нахотки аклингиз етмовди? Мана энди кўзларингизни кузгунлар чўкийди, танангизни конхўр каламушлар таллашиб-тортишиб гажишади. Кимга жафр, кимга жазо...

У навбатдаги ўликка якинлашаркан, унинг елкасидаги бир нарса-га кўзи тушди. Кизиксиниб, яхширок каради ва хайратдан кўлидаги тигни тушириб юбора ёзди. Хан-зу аскарлари елкасига икки-уч ёшлар чамасидаги бир болани боглаб олганди. Афтидан, у жангчи эмас, афтиангорининг ўзи унинг жангчи эмасини ошкор этиб турарди, дехкон бўлса керак, озиб-тўзиган, кийимлари бир ахволда, кашшок, тиришиб ўлиб ётарди. Бола отасининг ўлимини сезганми-сезмаганми, кўзлари юмук, худди ухла-ётгандай ётарди. Ойтўлди уларнинг тепасига келиб, диккат билан разм солди: боланинг оқиш чек-касидаги ингичка, кизгиш кон томирлари билинар-билинемас уриб турганини кўрди. Ойтўлдининг бирдан кўнгли бузилди. Кўк Тўнгри уни разолатдан кайтармоқда эди. Мана исботи: аёл ўлдирмокни, ўликнинг танини бошидан жудо килмокни ва унинг ав-лодларини бемисл кулфатга дучор этмокни кўзлаган эди, хозир эса акси бўлиб чикаётир. Боланинг шундай киргиндан омон колгани-чи бу ҳам Кўк Тангри иноятининг ис-боти эмасмикин? «Бошка кишиси йўк шекилли, боласини ўзи билан олиб юрган экан», деган ўй ўтди унинг кўнглидан ва молу дунё йўлида кулфатга рўбарў келган жангчини каргади. Унинг тепасига чўкка тушиб, болани ечиб олди ва тигни ҳам нутиб, ортига кайтди.

Бола чиройликкина, дўмбоккина, сочлари кизгиш ва майин, тўгарак юзи нимаси биландир халок бўлган ўгилларини эслатарди. Ойтўлди тезда холдан тойди. Шунда хаёлига: «Уни жарга ташлаб кетсам-чи, бўри-мўри еб кетса, жуда маъкул иш бўларди», деган ўй ўтди. Шу ишни килса, дилидаги интиком ўти бироз сусайиши мумкин эди, аммо Ойтўлдининг пок кўнгли бундай кабишликни кабул килолмади. «ёш боладан хун олиб бўлмайди, — деб ўйлади аёл, йўлида давом этаркан. — Агар вояга етган бўлса бошка гап эди. Гўдакни ўлдирмок бизнинг кавмга ярашмайди. Бундан хатто Кўк Тангри ҳам газабланади». Ойтўлди кўналгасига етиб келга-нида, Ядгухон ўттиз чоғли йигити билан уни кутиб турар, жангчилар-нинг бари каттик холдан тойган, кийимлари конга беланган, аммо ўзлари хурсанд эдилар.

— Улуг жангчи Эрхон бизни тарк этиб, бу ёруғ дунёдан кўз юмибди. Унинг кондоши мен — Ядгу энди бу ерларда кандай килиб юраман? — деди Ядгухон сийрак сочли бошини куйи эгиб. — Улуг жангчи Эрхон хаммамизнинг отамиз эди. Уни душманмиз — манфур ханзу ўлдирибдию бизлар беҳабар колибмиз...

Ядгухоннинг изтироблари жанг-чиларга ҳам ўтди. Улар халок бўлган кабиладошларининг хурмати учун бошларини куйи эгиб, тек туришарди.

— Эрхоннинг хар бир томчи ко-ни учун ўнлаб ханзудан ўч оламан! — давом этарди Ядгухон. — Хох гўдаги бўлсин, хох чоли — аямайман! Буни мен — Ялду ўгли Ядгу айтаётирман! Агар шундай килмасам, Кўк Тангри мени ок шакалларга дуч.килсин, илонлар чакиб ўлдирсин, кўзимни кузгун чў-кисин! Уларнинг конини Тангри тоғ сувлари каби окизмасам, нрмим абадий ўчсин!

Шундай деб Ядгухон каттик хайкирди. Унинг кўзларидан йирик-йирик ёш томчилари думалаб, соколига тушарди.

— Ойтўлди, сен бу ерда кол-майсан! Ёнимизга борасан, бас, отга мингаш, — деди Ядгухон ва аёлнинг кўлидаги болани эндигина пайкаб, ранги-туси бирдан ўзгарди: — Ханзу боласи-ку! — деб хитоб килди у. — Ойтўлди, ортга коч, мен унинг бошини танидан жудо килай!

Ойтўлди ортига тисарилди ва:

— Сен ҳеч қачон унга тиг кўтармайсан, Агар унга кўлингни тек-кизгудай бўлсанг ўла-ўлгунимча сени қаргайман, Ядгу. Беванинг қарғиши албатта уришини биласанг ку... Мендан ҳавотир олма, ханзуларки ўлдирмадимми, энди ўз ажалим билан ўламан, — деб жа-воб қилди.

Ядгу ўйланиб қолди. Ойтўлди бо-лақайни кўм-кўк майсалар устига қўйди. У осмондаги ойдай бўлиб ётарди. Хунлар соҳибқирони душман зурёдига қараб, қин ва қаҳр билан: «Илоннинг боласи ҳам илон. Унинг бошини янчмоқ ке рақ», деб ўйлади. Бирок Ойтўлдининг — ҳалок бўлган шавқатли жангчи хотинининг сўзига қарши боролмади. «Бу хотин нелар қилаётганини яхши англамаяпти чоғи. Нахотки, у химоя қилаётганда гўдақнинг томиридаги қанзу қони бир кун кўзгалиб, мана шу қўлчаларда ўлим топишини тушунмаётган бўлса?..» Улуг Ядғухоннинг темирдай қизғин юзида бир ифода лип этиб ўтди — у, агар йўлин қилса, бу болани барибир жонид жудо қилади. Майли, ҳозирча ўсиб-улғаяверсин, қачонки қўлигатиг ту-тиб, ўк-ёй ота оладиган бўлганда, Ядгу ёйининг қескир ўқи унинг юрагини албатта излаб топади.

Ядғухон шу тариқа боланинг так-дирига ҳукм ўқиди ва яна бир бор:

— Ойтўлди, биз билан юр... У ерда эт мўл, эл хотиржам, хотинлар кўп, — деб мурожаат қилди.

Ойтўлди рад этди. Бу ўғар хотин билан талашиб-тортишиб барақа топмаслигини яхши сезган Ядгу кўпам қистаб ўтирмади, ўзинг биласан, қабилда елка қисиб, ўл-жаларнинг бир қисмини шу ерда қолдиришни амр этдида, ўзи пастга томон от чоптириб кетди.

Орадан йиллар ўтди. Тангри тоғ этаклари кўп маротаба қор билан қопланиб, кўп маротаба баҳорий яшилликларга бурқанди. Ядгу сўзининг устидан қикди — атрофга ёйилиб, кетган хун қабилаларининг бир нечтаси билан иттифок тузиб, Катта Дарёгача борган барча ханзуларнинг устига юриш қилди, натижада уларнинг қонини худди Тангри тоғ ирмоқлари қаби оқизди.

Бу орада Ойтўлди ҳам қариди. Қомати марҳум эри, жангчи Эрхоннинг қўхна ёйи қаби эгилди, ханжардек қиприқлари тўқилди, жислидан қувват кетди. Унинг жонига энди асранди ўғил оро қираётганди. Қуш овлаш, сув қелтириш, қўналгани тартибга солиш, таом пишириш, хуллас, ҳамма-ҳамма омушлар шу боланинг қарданида эди. Унга, хун ўғлонларидан фарқи ўлароқ, ҳеч қим жанг хунарини ўргатмади, бироқ бола яйловда қинқиди, ўрмонда қарахтдан қарахтга қараб қарқон ва эпчил бўлиб ўсди. Ойтўлди қампирдан қобоси Эрхон қақиди кўп сўраб-қуриштирар, унингдек шавқатли жангчи бўлишни орзу қиларди.

— Мен хун авлодиданман! — қайқирарди у, хунларниқига ўхшаган қийик қўзларида ифтихор учуни алангаланиб. — Менинг ақодларим қулқи то Катта Дарёгадир! Дарё ортини эса мен бўйсундираман. Худди қобом Эрхондай, оғам Ядғухондай жангчи бўламан!

Қари Ойтўлди унинг бу гапларими таассуф билан тингларди. Бола ўзини хун деб қис қилса-да, юз-қўзлари, гавда тузилиши, сержақлиги билан қарибидираждодларига ортмоқда эди. Эри Эрхоннинг ўлими ёдига тушганда, қар сақар Ойтўлдининг қилидагазаб ва интиқом олови қуриллар қамда боланинг тезроқ қатта бўлишини Қўк Тангридан тилар эди. У қали жуда-ям ёш, қозирча қасос олиш қумқин эмас, аммо қатта бўлсин, шунда қарча қекловлар қарқам топа-ди. Ўшанда Эрхоннинг нотинч руқи Ойтўлдидан қамнун бўлади. Қанзулар шўрлик Эрхонни қарқили-қига қам қарамай ўлдирдилар. Шусиз қам унинг қони қилтиллаб, эрта-индин ўлиши қуқаррар бўяиб

турганди. Улар ёвузлик килдилар, бироқ хунлардаги тартиб-қоидалар Ойтўлдига ҳозир ўч олишни таъқиқлаб турарди. Баъзида у болани ўрмонда йиртқич хайвонлар ёб кетса ёки дарахтдан қулаб ўлса қошқийди, Деб ҳам кўяр, аммо дархол бу ўйини нари қуварди: унда ўч олмоқ-чи? Ойтўлди дилидаги интиком ўтини ўчирмасдан бу оламдан кета олармикин?

Ханзу ўғлони келишимли йигит бўлиб вояга етаётганди. Унинг ҳаракатларини кузатиб, кампир икки ўт орасида қийналарди: душман боласининг нимасидир ўша, тоғ кўчкиси остида қолиб ҳалок бўлган ўғилларининг тўнғичига ўхшаб кетарди. Йиллар ўтиб, ҳатто душман авлодидан бўлса-да, у кампирнинг кўнглига ёкиб қолган, қани эди ҳозир шу бола менинг ўғлим бўлиб қолса, деб баъзан, турли ҳаёлларга ҳам берилар эди. Лекин шу за-хоти яна ўзига келарди: ахир, Эрхон мана шу яйловлар узра қапалак бўлиб ўчиб, қавмлари, қутлуг жанг-чи боболарининг ҳуни учун нима ишлар қилаётганини кўриб туриб-дику. Ойтўлди нима қилса шавқатли Эрхон хурсанд бўларкин? Кўк Тангрини-чи, қандай рози қилиш мумкин? Ойтўлди кампир ўйлаб ўйига етолмас, аммо шу ҳолатида ўғлонга қарши тиг кўтаролмасини пайқаб турарди. Қачондир, ҳамма нарсани хотималайдиган ва ё Ойтўлдининг, ё боланинг умрига нуқта қўядиган қун етиб келиши керак эди.

Ботир Ядғухон ҳам Ойтўлдининг ёнига тез-тез ташриф буюриб турар, ҳар сафар турфа ўлжалардан совгалар олиб келарди. У кампир билан суҳбатлашар экан, адоват тўла нигоҳини ханзу ўғлидан узмасди. Ойтўлди унинг ниятини жуда яхши сезарди, албатта. Сезардию ўғлонни Ядғу ёйидан қутқариш йўл-ларини ўзича чамаларди. Хуллас, ҳар иккови ҳам хун олмоқ истагида ёнишар, аммо бу истақларини бир-бирларидан яширардилар.

Нихоят, ханзу ўғлон балогатга етди — у хун қизларига узок-узок кўз тикадиган, негадир қизарадиган, тунлари уйқуси ўчиб, безовталанадиган одат чиқарди. Ойтўлди кампир фурсат етиб келганини туйди — қасос вақти, ниҳоят, юз кўрсатган эди. Кампирнинг ҳам ҳаёти пбёнига етаётган бўлиб, унда ортик сабр қилмоққа ҳеч тоқат йўқ эди.

Ўша қуни, қуёш ботиши олдидан Кўк Тангри вақт етганини аңлатди — бу маҳалда Ойтўлди болани қандай қилиб ўлдирсам экан, деб майсалар устига ўтириб олиб бош қотирарди. Тангри тоғ устида туйқусдан момақалдирик гумбурлади, кампир ўша ёкка қараб, чўққилар устида қора булут-дан асар ҳам йўқлигини, кечки шафак яллиги энлаган осмоннинг тип-тиниклигини кўрди. Ҳа, фурсат етганди. Кўк Тангри кампирнинг ниятларини пайқаб, интикомга розилик берган эди.

Кампир ўрнидан кўзгалди ва ич-қарига қириб, яшириб қўйган жойидан эри Эрхон янги танишган кезларида совға қилган қичкинагина тигни олиб, қўйлаги қатига яшир-ди-да, қайтиб чиқди. Ханзу ўғлони яланглиқда Эрхоннинг қамонини кўтариб, ёй отишни машқ қилаётган эди. Кампир ўзиникига ўхша-маган овоз билан уни чақирди. Ўғлон дарров Ойтўлдининг қошига: келди, унинг қийик кўзларида қувонч чақнарди.

— Мен хунларнинг энг бақодир йигити бўламан! — деди у мағрур. Бобом, қутлуг жангчи Эрхоннинг ёйи энди меники. Уни ҳеч қимга бермайман ва ҳеч қачон қўлимдан қўймайман. — Бас қил! — деб бақирди кам-пир, сўнгра қўйнидаги тигни олди. Уни кўриб ўғлон таажжубланди. Кампирнинг қўллари титрар, ияқлари қалтирар, ажабки, қандай-дир бир қуч унинг заиф жисмига қувват бахш этган эди. — Сен бу ёйни тутишга у дунёю бу дунё ҳақли эмассан. Ташла уни!

— Нега? — сўради ханзу ўғли, тўғарак юзида кампирдан ранжиганликни ифодаловчи белги ақс этди. — Ҳалиям эр бўлиб етмадимми? Қаранг, билалқаримда қуч тў-либ

окаётир, гайратим тошаётир... Хали мен Эрхон авлодининг...

— Сен Эрхон авлодидан эмассан, — деди кампир, беадад кахру адоват билан. Ўғлон уни бундай ахволда ҳеч кўрмаган эди, важохатидан хайкиб, кетига тисарил-ди.— Сен хун ҳам эмассан, — хайкирди у, кўзларидан дув-дув ёш окиб. — Сенинг томирингда манфур ханзу кони окаётир. Улуг Эрхонни сенинг кондошларинг ўлдирган эди. Мен сени саноксиз ўликлар ичидан топиб олиб, эр этилгунингча сабр килдим. Мана, вояга етдинг, сендан ўч олмок истайман! Ўзингни олиб коч, манфур ёғий боласи!..

Ўғлон кулокларига ишонмай ту-рарди. Кампир гойибдан келган шиддат ила унинг кўксига тиг урди, аммо кўллари мўлжални тўғри ололмади, тиг ўғлоннинг бакуват билагига санчилар-санчилмас, ерга тушди.

Кампир холсизланиб ўтириб кол-ди, унинг кўзларидан хали ҳам га-заб ва надомат ёшлари дувиллаб тўкиларди. Ханзу ўғлон эса кулокларига ишонмай, тош котиб турар, ранги бўздай оқариб кетган, тиг етказган жарохатдан аста-секин кон сизиб чикиб, ерга — қадимий хунлар ерига, Эрхоннинг мулкига томчиларди. Эрхон учун касос оли-ниб бўлинганди — мана, ёғий ўглининг кони унинг ери узра тўкилаётир, буни шавкатли жангчининг рухи ҳам, Кўк Тангри ҳам кўриб турибди. Эй хунларнинг кутлуг жангчиси Эрхон, энди Кўк Тангри сенга абадий ором ва роҳат иноят этсин!..

— Мен ростдан ҳам ханзуманми? — бир замон тош котиб турган ўғлоннинг бўғзидан дахшатли нидо отилиб чикди. — Ойтўлди, айт, раҳминг келсин, менинг отам хан-зуми? Ойтўлди унга жавоб килмади. У бошини куйи эгганча йиглаш-дан тўхтамас, шундай эса-да дилининг бир четида ўғлоннинг тирик колганидан мамнун ҳам эди. Ахир, хун олинди, душман кони тўкилди, бас, Эрхон учун шунинг ўзи етарли. У улуг жангчи эди, кечиримли эди, бу иши учун кампирдан ҳеч қачон дили ранжимади...

Аммо Тангри тоғ тепасида яна момакалдирок гумбурлади. Ханзу ўғлони ортига чекинди. — Йўк! Йў-ўк, мен ханзу эмасман!—хайкирди у титраб-қакшаб. Аммо товушини момакалдирокнинг навбатдаги гумбурлаши босиб кетди,— Мен хунман! Хун бўлиб тугилганман, хун бўлиб ўламан!..

Ва у Эрхондан хотира бўлиб колган ўткир учли ёй ўқини олиб, нак юрагига ботирди. Негаки, ўғлоннинг томирларида ханзу кони окаётган эсатда, номусли хунларнинг тарбиясини олган эди.

Орадан бир канча вақт ўтиб, ўрмон оралаб етиб келган Ядғухон ёғий ўғлонининг ўлиmidан хабар топгач, Ойтўлдига таассуф билан деди:

— Эсиз! Ўч олмаганим битта шу ханзу колувди. Сен жангчи хотини эканлигингни кўрсатдинг. Энди Эрхон абадий тинч бўлсин!

Кампир унга жавоб бермади. Судрала-судрала кулбаси томон йўл олди. Шўрликнинг дили энди батамом таскин топган эди. Кўзидан эса ўқинч ёшлари тўкиларди. Нима килсин, ханзу ўғлонини у сал-кам ўн олти йил тарбия килди, едирди-ичирди. Ханзу боласи шу кечган вақт ичида, гарчи душман бўлса ҳам, ўз фарзандидек бўлиб колганди. Хозир кампирнинг кўз ўнгидан ўғлоннинг кулишлари, сўзлашишлари, ёқимтой одатлари бирма-бир ўтаётганди. Комати яна-да букилган, вужуди мадорсизликдан худди шамолда колган тол новдасидай чайкаларди...

Тангрйтоғ узра коронгилик чўка бошлади...

Ядғухон кампирнинг дилидан нелар кечаётганини фахмлагани боис, бошка сўз котмади. Аммо уругдошлари ёнига қайтиб кетмади ҳам, отини боглаб, шу ерда колди. Негаки, кампирнинг ҳам умр дақиқалари тугаган, қазоси етишига бир ёки икки кунгина колганди, холос. Бор-йўғи бир ёки икки кун...



